




ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 23 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Ўзбекистон ва Туркменистон иқтисодиётида ҳали тўла ишга солинмаган қўллаб имкониятлар мавжуд. Улардан фойдаланиб, ўзаро савдо айланишини жадал ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Икки мамлакат бозорларига харидоригр маҳсулотлар етказиб бериш, худудлар ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди. 2020 йилга бориб товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион долларгача етказиш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти бу борада аниқ амалий натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Мазкур комиссиянинг жорий йил 1 март куни Тошкентда ўтказилган учрашуви савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкамланишига яна бир қадам бўлди.

Турли даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлаб, уни амалий мазмун билан бойитмоқда. Март ойида Ашхободда Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди. Шу кунларда пойтахтимизда Туркменистон миллий кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтмоқда.

Музокараларда бундай кўргазмаларни мунтазам ўтказиш, савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз минтақада йирик энергетик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Йилига 25 миллиард куб метргача газ етказиш қувватига эга Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ қувури лойиҳаси шулар жумласидандир.

Транспорт соҳаси ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Амударё устида қурилган Туркманобод — Фараб автомобиль ва темир йўл қўриқлари бунинг тасдиғидир. Мазкур қўриқлар Президентимизнинг 2017 йил март ойида Туркменистонга давлат ташрифи чоғида тантанали равишда очилган эди.

Ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига боғлаб турадиган тарих, маданият ва урф-одатлар халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон таълим муассасаларида Туркменистоннинг 720 фуқароси тахсил олмоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари икки мамлакатда ташкил этилаётган турли маданий тадбирлар, концертлар, фестиваллар ва танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон спорт делегацияси 2017 йилнинг сентябрь ойида Ашхободда ўтган V Елик иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича Осиё ўйинларида иштирок этди. Ноябрь ойида Туркменистонда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида мамлакатимиз санъат усталари ва маданият арбоблари иштирокидаги концерт, бадий асарлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда туркман миллатига мансуб 192 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган.

Мамлакатимизда туркман тилида дарс бериладиган 44 мактаб фаолият юритмоқда. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида туркман филологияси йўналишида мутахассислар, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида туркман тили ўқитувчилари тайёрланмоқда.

Музокаралар давомида транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш, бу орқали мамлакатларимизнинг ушбу йўналишдаги рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги қайд этилди. Қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар, электр техникаси ускуналарини ҳамкорликда ишлаб

чиқариш, нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш, чегараолди худудлар ўртасида савдо-сотиқни ошириш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа масалалар бўйича келишувларга эришилди. Ўзбекистоннинг Туркменистон — Афғонистон — Покистон — Ҳиндистон газ қувури қурилиши лойиҳасида иштирок этиши қайд этилди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни имзоладилар.

Икки томонлама ҳамкорлиқни сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, таълим ва спорт соҳаларида янада мустаҳкамлашга ва ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга доир 17 ҳужжат имзоланди.

Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, 2018-2020 йилларга мўлжалланган транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳамда 2019-2021 йилларга мўлжалланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро дастурлар, Ўзбекистон ва Туркменистонда савдо уйларини ташкил этиш, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш тўғрисида битимлар, Ўзбекистон ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Икки томонлама ҳамкорлиқни қишлоқ хўжалиги, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, фан-техника, касаба уюшмалари ва бошқа соҳаларда янада мустаҳкамлашга доир ҳужжатлар қабул қилинди. Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, икки мамлакат касаба уюшмалари ва хотин-қизлар қўмиталари ўртасида Англашув меморандумлари, ёшлар ташкилотлари ўртасида Англашув меморандуми шулар жумласидандир.

Шунингдек, ташриф доирасида олий ўқув юртлиги ўртасида ва ахборот-коммуникация соҳаларига оид 15 ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очик, самимий, ишчанлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серкирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг, Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исрол Каримов ҳайкали пойига гул қўйди, Буюк Йўлбошимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

2017 йил май ойида ўзбек ва туркман халқлари боқий дўстлиги ҳамда қардошлигининг рамзи сифатида Тошкент шаҳрида Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган меъморий ёдгорлик очилган эди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Махтумқули кўчасига ташриф буюрди. Президентлар машҳур туркман шоири ва мутафаккири ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Яқин ансамблга айланган бу хийбон Гурбангули Бердимухамедовда катта таассурот қолдирди. Туркман халқи, адабиёти ва маданиятига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи шарафига Махтумқули кўчасида «Ашхобод сайлгоҳи» барпо этилди. Икки давлат раҳбарлари ушбу сайлгоҳнинг очилиш маросимида қатнашдилар.

Президентлар боғда яратилган шароитлар билан танишди. Икки давлат раҳбарлари Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларининг рамзи сифатида «Ашхобод сайлгоҳи»га қўнғи ўтказди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Ҳурматли кўргазма иштирокчилари! Туркменистоннинг етакчи корхоналари, компания ва ташкилотлари раҳбарлари!

Кадрли дўстлар! Туркменистон Президенти ҳурмати Гурбангули Мяликулиев Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи доирасида Тошкентда ўтказилаётган Туркменистон миллий кўргазмасининг барча иштирокчилари ва меҳмонларини улкан мамнуният билан самимий қутлайман.

Ўзбекистон ва Туркменистон — стратегик шериклардир. Бизнинг халқларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, умумий тарих, дин ва тил, маданият, урф-одат ва аъёналар муштараклиги мустаҳкам боғлаб келади.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик қатъий сиёсий ғирода ҳамда олий даражадаги самарали учрашувлар давомида эришилган келишувларни биргаликда амалга ошираётганимиз туфайли изчил ривожланиб, аниқ маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ўзаро ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишини савдо-иқтисодий соҳа ташкил этади. Ўтган қисқа даврда биз бу борада ҳақиқатан ҳам муҳим аҳамиятга молик натижаларга эришдик.

Кейинги йилларда биринчи марта ўзаро савдо ҳажми жадал суръатлар билан ортиб бормоқда. Мамлакатларимиз корхоналари ва ташкилотлари ўртасида иқтисодиётнинг аъёнанинг равишда бир-бирини тўлдирадиган тармоқларида кооперация алоқалари кўчмоқда.

Бу ўринда аввало ёқилиш-энергетика мажмуаси, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, темир йўл транспортини модернизация қилиш ва бошқа қўллаб соҳалардаги лойиҳалар ҳақида сўз бормоқда.

Биз транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда давлатларимиз ва бутун минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятини самарали ишга солишга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтирмоқдамиз.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатларимиз бизнес ҳамжамиятлари ўртасидаги изчил ишбилармонлик алоқалари ҳамда

худудлараро мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик доирасида кенг истиқболлар очилмоқда.

Муҳтарам дўстлар! Бундан бир ой олдин Ашхободда Туркменистон Президентининг бево-сита қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилган ва у туркменистонлик шерикларимизда катта қизиқиш уйғотган эди.

Бугун биз мамлакатимизнинг нафақат ишбилармон доиралари, балки бутун жамоатчилигининг эътибор марказида турган Туркменистон миллий кўргазмасини очмоқдамиз.

Кўргазма мажмуасида бугунги Туркменистон иқтисодиётининг улкан салоҳияти ва юксак эътирофга молик ютуқлари, унинг бой табиий, илмий ва интеллектуал ресурслари, замонавий технологиялари кенг намойиш этилмоқда.

Шу билан бирга, бу ерда ташкил этилган ёрқин экспозиция қардош туркман халқининг қадимий ва ноёб маданияти ҳамда аъёналари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Туркменистоннинг халқаро микёсда эътироф этилган барча ютуқлари ҳурматли Гурбангули Мяликулиев Бердимухамедовнинг чуқур ўйланган, самарали сиёсий натижаси эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Кадрли кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари!

Сизларни икки томонлама муносабатларимиздаги қўнғи воқеа — Ўзбекистон пойтахтида Туркменистон миллий кўргазмаси очилиши билан яна бир бор чин қалбимдан табрик-лайман.

Ишончим комил, кўргазма якунида иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация алоқаларини ривожлантиришга, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлашга хизмат қил-диган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича янги савдо шартно-малари ва битимлар имзоланади.

Барчангизга кўргазмада самарали иш олиб бориш, муваффақиятли музо-каралар ўтказишни тилайман.

Меҳмондўст Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ — ИККИ ДАВЛАТ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛАРИ



Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида Тошкентда Туркменистон миллий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Унда қўшни давлатнинг етакчи корхоналари, компания ва ташкилотлари, йирик тадбиркорлик субъектлари иштирок этиб, миллий маҳсулотлар, иқтисодиёт

соҳасидаги илгор технологиялар, хизматларни намойиш этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон миллий кўргаз-маси иштирокчилари ва меҳмон-ларига қутлов йўллади.

► Давоми 2-бетда.

ДЎСТУ ҚАРДОШДИР АЗАЛДАН ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 9-10 март кунлари Тожикистон Республика-сига давлат ташрифи давомида икки мамлакат худудла-ри ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқа-ларни ривожлантириш юзасидан муҳим келишувларга эришилган эди. Шу асосда дастлабки бизнес-форум Самарқанд шаҳрида ташкил этилди.

► Давоми 3-бетда.

ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ — ИККИ ДАВЛАТ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кўргазманинг очилиш маросимида Президент қутловини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Отажонов ўқиб эшиттирди.

Қутловда Ўзбекистон ва Туркменистон — стратегик шериклар экани, халқларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, умумий тарих, дин ва тил, маданият, урф-одат ва анъаналар муштараклиги боғлаб келаятгани, бугунги кунда мамлакатларимиз бизнес ҳамжамиятлари ўртасидаги изчил ишбилармонлик алоқалари ҳамда ҳудудлараро мустақамланиб бораётган ҳамкорлик доирасида кенг истиқболлар очилаётгани таъкидланган.

Туркменистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазири Д.Ўрозмуродов туркменистонлик ишбилармонлар учун Ўзбекистон муҳим савдо-иқтисодий ҳудуд экани, Буюк ипак йўлининг савдо-сотиқ ривожланган манзилида жойлашган мамлакатларимиз тадбиркорлари ҳамкорлигининг мустақамланиб бораётгани эса тенг манфаатли ривожланишда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлик муносабатлари янги босқичда мустақамланиб бормоқда. Бу борада икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида эришилган келишувларнинг биргаликда амалга оширилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми сезиларли ошди. Турли иқтисодий тармоқларда кооперация

Давоми. Бошланғич 1-бетда.



алоқалари юксалди. Бундан бир ой олдин Ашхободда Туркменистон Президентининг бевосита қўллаб-қувватлаши билан ўтказилган Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси ва унда эришилган кўп қиррали келишув битимлари фикримиз далилидир.

Туркменистон миллий кўргазмасида нефть ва кимё, тўқимачилик, тиббиёт саноати, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш моллари, транспорт ва логистика, спорт ва туризм, илмий-техника, таълим соҳасидаги ютуқлар, хизматлар намойиш этилмоқда.

Туркман гиламлари, қасанақчилик, балиқчилик саноати, дунёга машҳур ахалтекин отлари насличилиги тадқиқотлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Туркменистонда балиқчилик саноати ривожланишининг асосий манбаи Каспий денгизи ҳисобланади. Бугун мамлакат сув ҳавзаларида балиқнинг 50 дан ортиқ турини учратиш мумкин.

— Туркменистонда балиқ ва денгиз маҳсулотларини қайта ишлаш саноати яхши ривожланган. Тадбиркорларимиз балиқ ва балиқ маҳсулотларини қўшни республикаларга

экспорт қилади, — дейди Туркменистон Балиқ саноати давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Гайир Гайипов. — Кўргазмада хусусий тадбиркорларимиз ҳам иштирок этмоқда. Улар Ўзбекистон бозорини ўрганиб, ҳамкорлик қилиш истагида келишган. Хусусан, ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг балиқчилик соҳасида зарур хомашё маҳсулотлари, қадоклаш мосламалари, янги технологиялар ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганишни режалаштирганмиз.

Президент Гурбангули Бердиумхамедов тақлифи билан 2018 йил мамлакатда «Туркменистон

— Буюк ипак йўлининг юраги» деган шior билан ўтмоқда. Бунда мамлакатда туризми ривожлантиришга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Кўргазмада Туркменистон Туризм давлат қўмитаси вакиллари иштирок этмоқда.

— Мамлакатимизда туризми ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бизда аjoyиб сайёҳлик манзиллари бор. Каспий соҳилидаги «Аваза» миллий сайёҳлик зонасида 200 дан зиёд меҳмонхона, аjoyиб дам олиш манзиллари сайёҳлар хизматида, — дейди Туркменистон Туризм давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Ислон Авазов. — Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида туризми ривожлантиришда узоқ йиллардан буюн ҳамкорликда ишлаб келамиз. Кейинги йилларда бу борада жуда яхши натижаларга эришдик. Бугунги кунда Европа, Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатлардан Буюк ипак йўли йўналишида савҳатга чиққан сайёҳларнинг Туркменистон орқали Хоразм, Бухоро вилоятидаги қадимий шаҳарларга ҳамда Ўзбекистон орқали Туркменистонга ташрифи амалга ошириб келинмоқда. Бугун бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлашга ишонимиз.

Туркменистон миллий кўргазмаси якунида иқтисодий алоқалар янада ривожланиши, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида ўзаро манфаатли келишувларга эришилиши қўтилмоқда. Бу жиҳатлар азалий дўст халқларимиз ўртасида меҳр ришталарини тобора мустақамлайди.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎЗА мухбири.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИЛҒОР ИШ ТАЖРИБАСИ КЕНГ ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Андижонда «Бошланғич партия ташкилоти — асосий таянч» мавзусида республика амалий семинари бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши масъул ходимлари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш секторлари мудирлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Семинарда партиянинг сайловолди дастури ҳамда ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг илғор иш тажрибасини оммалаштириш, намунали иш юритаётган бошланғич ташкилотларни доимий рағбатлантириб бориш, аъзолар сонини кўпайтириш каби масалалар хусусида фикр алмашилди.

— Айни пайтда партия вилоят кенгашининг 870 бошланғич ташкилоти сафига 36 мингдан зиёд аъзо бирлашган, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилояти кенгаши раиси Абдулхамид Нурматов. — Партия аъзолари, айниқса, бошланғич ташкилотлар жойларда мавжуд муаммоларни кенг жамоатчиликка етказиш ва уларни ҳал этиш борасида самарали натижаларга эришмоқда. Ўтказилаётган тадбирдан қўзланган асосий мақсад ҳам бошланғич ташкилотлар тажрибасини кенг оммалаштиришга қаратилган.

Тадбир иштирокчилари Қўрғонтепа тиббиёт диагностика ҳамда Қорасув шаҳар давлат санитария-эпидемиология нazorати марказлари, Асака шаҳридаги «ГМ О'zbekiston» қорхонасидаги партия бошланғич ташкилотлари фаолияти билан танишди.

Семинарда Андижон вилоятидаги бошланғич партия ташкилотларининг илғор иш тажрибасини республика миқёсида оммалаштиришга келишиб олинди.

Тадбир доирасида партия марказий кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, партия аъзолари сафини кенгайтириш, ўз вакиллари орқали кенг жамоатчилик орасига чуқур кириб бориш мақсадида илк бор намунавий тарзда ўтказилаётган «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг намунали бошланғич ташкилоти» танлови ҳам бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарлардаги энг намунали 17 бошланғич ташкилот иштироки эълон қилинди.

Хонобод шаҳар «Кампирровот» маҳалла фуқаролар йигинидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловда Қорасув шаҳар давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази ҳамда Марҳамат туманидаги Ўқчи пахта тозалаш заводидаги партиянинг бошланғич ташкилотлари иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар партия вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ

БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИ

Ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш

2019 йил 1 майга қадар амалга оширилади

Халқимиз уйни ватанга қиёслайди. Биров уй курса ёки харид қилса, «Ватанли бўлибсиз», деб табриклаймиз. Бизда шундай: уй, хонадон сўзлари олий тушунчалар қаторида туради.

Мамлакатимизда аҳоли, хусусан, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи фуқароларга муносиб уй-жой шaroитини яратишга қаратилган кенг қўламли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида 82000 га яқин уй қурилиб, 6600 дан зиёд уй-жой массиви барпо этилди. Зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари ўтказилиш таъминланди. 2016 йилдан эса қишлоқ аҳолиси учун намунавий лoйиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишини назарда тутувчи сифат жиҳатидан янги давлат дастури амалга оширилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 18 мингдан ортиқ қулай шарт-шaroитга эга уйлар қад ростланди.

Шу билан бирга, фуқароларга мерос сифатида қолдирилаётган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер майдонларида яқка тартибда уй-жой қуриш ҳуқуқи қонунан қафолатланган. Ер тузиш ва кадастр органлари томонидан ўтказилган республика кўчмас мулк фондини ялпи хатловия яқка тартибда уй-жой қуриш соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларда қонунийликни таъминлаш долзарб масала эканини кўрсатди.

Жумладан, уй-жойга эга бўлиш ва қуришнинг қонуний талаблари бўлишига қарамадан, минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида эгаллаб олинган ерларда яқка тартибда уй-жой барпо этишган. Тўғрисиби айтганда, уйга ҳўжат кераклиги, акс ҳолда, эгалик ҳуқуқи ҳақиқий бўлмаслиги айрим кишиларнинг ҳaблига ҳам келмаган. «Бу уйни мен қурдим, маҳалла-қўй билди-қу», деб юраверган.

Масаланинг бошқа муҳим томони ҳам бор. Бундан 20-30 йил илгари ижтимоий вазият бошқача эди. Ўтиш даврининг қийинчиликлари пайтда аҳолини уй-жой билан таъминлаш имкониятлари чекланган. Ёш oilаларни алоҳида чиқариш, уйли-жойли қилиш масаласи қўллаб-қувватлаш йўлидан боради. Шундай шaroитда тўрт деворни кўтариб, эшик дераза қўйиб, у ёғ бу ёғини тўғирлаган бўлиб, уй тиклаганлар ҳам бўлган. Бундай пайтда «ундан рухсат сўра», «бундай ҳўжат тайёрла» каби оворагарчиликлар қўнгилга сиғмаган, албатта.

— Маълумотларга кўра, фуқаро-


ларнинг уй-жой мулкига кадастр ҳўжатларини беришни сўраб Президент Виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ, депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 3 мингдан зиёд мурожаатлар бўлган, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудир Аббос Қўрбанов. — Яна шундай ҳолатлар борки, айрим қимсалар ўз манфаати йўлида турли қонунбузарликка йўл қўйган. Масалан, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари тил бириктириб, фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов авазига қонуний бериб юборишган. Мазкур муаммо бутун республика бўйича оммавий тус олиши ва уй-жой учун зарур ҳўжатларнинг мавжуд эмаслиги бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Яъни фуқаронинг ҳақиқатда яшаб турган жойига рўйхатга қўйилиши, мулк

Ёш oilаларни алоҳида чиқариш, уйли-жойли қилиш масаласи қўллаб-қувватлаш йўлидан боради. Шундай шaroитда тўрт деворни кўтариб, эшик дераза қўйиб, у ёғ бу ёғини тўғирлаган бўлиб, уй тиклаганлар ҳам бўлган. Бундай пайтда «ундан рухсат сўра», «бундай ҳўжат тайёрла» каби оворагарчиликлар қўнгилга сиғмаган, албатта.

ҳуқуқига эга бўлиш шулар жумласидандир. Йиллар давомида тўлланиб қолган ҳолатлар оқибатида уй-жой мулкига кадастр ҳўжатлари берилишини сўраб, ҳозирда минглаб фуқаролар мурожаат қилмоқда.

Мазкур масалаларни ҳар томонлама оқилона ҳал этиш мақсадида Президентимизнинг «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳўжат жуда долзарб ижтимоий аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда уй-жойга доир ҳўжжларнинг ҳaёти ҳамда соғлимига ҳавф тўғирмайдиган ҳолатларда ҳам эътироф этилади.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эъти-



оқилона ҳамда самарали фойдаланиш, фуқароларга тегишли бўлган турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказишга қўмаклашиш масалалари қамраб олинган.

Унга кўра, мазкур Фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмастан, яъни

роф этилмайдиган аниқ ҳолатлар эса ҳўкумат томонидан белгиланади.

— Фармонга кўра, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан тузиладиган Қўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил қилиш бўйича комиссиянинг тақдимномасига кўра, туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан амалга оширилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Қасимов Мирзаев. — Шунингдек, умумий мулк ҳуқуқи фуқаролик ва oilа тўғрисидаги қонун ҳўжатларининг қораларига амал қилиш шarti билан, энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорда бир марталик йўлғим тўлангандан кейин амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишда мулкдор ҳуқуқини қўриган ер участкасига (участканинг бир қисмига) қонун ҳўжатларида белгиланган меъёрлар доирасида мерос қилиб қолдирилаётган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилиб, ортиқча қисми Солиқ кодексининг 121-моддасида назарда тутилган ҳолда жарима солинимасдан захира ерларига олиб қўйилади.

Фармонда бир марталик акциянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар, яъни 2019 йил 1 майга қадар белгиланган тартибда келишув битимлари тузилишини таъминлаш назарда тутилган.

Афсус билан таъкидлаш керакки, ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб ёндашилмагани натижасида ўтган йиллар давомида қанчадан-қанча иморатлар бузилиб кетди.

Қанча oilалар қийин шaroитда қолди, сарфланган маблағлар ҳавога учди. Баъзида турли ўйинлар орқали биров пешона тери билан қурган уйни бошқа бировга тортиб олиб бериш ҳоллари ҳам бўлди. Фармонда масаланинг бу томонига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Унга асосан ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш бўйича судларга киритилган даъволар тўхтатилган, турар жой сифатида фойдаланилаётган ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги ижро этилмаган суд қарорлари бўйича мероса шартномалари тузилиши белгиланган.

Акция муддати тугаши билан иморатларни ўзбошимчалик билан қурганлик учун жавобгарлик қўчайтирилади. Бундан ташқари, бу масала бўйича Ўзбекистон бош прокурори, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими, бошқа ваколатли органлар мансабдор шахслари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Демак, олдинда бир йилдан ортиқ муддат бор. Бу фуқаролар учун қулайлик бўлиб, йиллар давомида қонуний фойдаланиб келинган турар жойларни қонунийлаштириш имконини беради. Партиямиз фаоллари, депутатлар манфаатдор ва мутасадди ташкилотлар билан бирга аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини қўчайтириш керак бўлади. Турли англашилмовчиликларнинг олдини олишда бу долзарб аҳамиятга эгадир.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО СПОРТ ТУРНИРИ

ЎЗБЕК КУРАШИ ЖОЗИБАСИ

дунё полвонларини Шахрисабзга чорлади

Шахрисабз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган XII халқаро кураш турнири кўтаринки руҳда ўтди. Беллашувларда Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Япония, Мексика, Италия, Англия, Озарбайжон, Исроил, Швецария, Руминия, Италия, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Россия, Украина, Германия, Монголия каби 30 га яқин мамлакатлардан сара полвонлар иштирок этди.

Узоқдан маҳаббатли тоғлар кўриниб турадиган Шахрисабз шаҳрининг қоқ ўртасидаги уйингоҳ Хисор деб аталади. Шахрисабзликлар Амир Темур бобомиз хотирасига бағишланган кураш мусобақаларига пухта тайёргарлик кўришди ва ориз қилишди. Мана, етти-саккиз минг томошабин майдонга тушаётган полвонлар маҳоратини мириқиб томоша қилмоқда...

«Муборакнефтьгаз» МЧЖ бошлиғи Қасимов Курбанов ҳаяжонини яширмайди:

— Фахрланамизки, бугун ниҳоятда кўрамлашган Шахрисабз шаҳрига бутун дунё интиломоқда. Улуғ саркарда ва давлат арбоби, дунёга довруғ солган улуғ зот хотирасига бағишланган бу тадбирга жаҳоннинг қанчадан-қанча мамлакатларидан ўзига ишонган полвонлар келиб, чиройли кураш тушаяпти. Очиги, мен юртимиз спортчиларининг жозиба-ли чиқишлари, миллий курашимизнинг ер юзига тарқалаётгани, дунё халқлари кўнглига йўл топаётганидан ҳаммиса қувонаман...

Ана, эронлик спортчи яхши ўсул қўлади. «Баракалла, бўш келма», деб олқишлашди томошабинлар хоразмлик полвон қизимизни. Уйингоҳга кириваришда алоҳида қурилган иморат дахлизига ёзилган гилам устига ўтириб, хордиқ чиқараётган ёш қизга қўлим тушади. Китоб туманининг Минжир кишлоғидан Машхура Пардаева экан, Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги Олимпия захиралари коллежиде тахсил оларкан. Курашчи бўлган акиси 3-синфда ўқиётганидаёқ сингисини машқларга тортди. Унга омад тилаб, танишларини излайман.

Қўлим «Спорт» газетасининг вилоятдаги муҳбири Илҳом Раҳмоновга тушади. У моҳир полвонлар ҳақида бир неча китоб ёзган адиб Ғозӣ Раҳмоннинг фарзанди. Бугун кураш тарихини яхши биладиганлар кўп эмас. Кураш — буюқ саркарданинг юрт озодлиги йўлида жанг қилган аскарларини чиниқтириш воситаларидан бири бўлган.

Мамлакатимиз Президенти яқинда Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро конференцияда Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган, деган эди. Буни эслар эканман, қўшни Афғонистон спортчилари — Бисмиллаҳ Мохмади, Мансурбек Бекзодларнинг кураш гилами узра чаққон ҳаракатларидан завқландим.

— Кураш бизнинг ҳам қон-қонимизга сингиб кетган, — дейди афғонистонлик

полвон Мансурбек Бекзод. — Мен ўзбек тилида эркин гаплаша оламан. Саволингизни айтинг. Ҳа, Амир Темур, Навоий ҳазратлари бизларнинг ҳам бобкалонимиз. Мамлакатингиз Президентининг маданий алоқаларини ривожлантириш, темир йўл қуриш, умуман, тинчликни сақлаш борасида билдирган тақлифларидан беҳад севиндик. Биз бу халқаро мусобақага келиб, дўстлар ортирдик, яхши кураш усулларини ўргандик...

— Ўзбекистонга биринчи келишим, — дейди италиялик полвон қиз Чиара Меукки. — Халқингизнинг меҳмондўстлиги қалбимдан ўчмас жой олди. Самарқандда буюқ жаҳонгир Амир Темур қабрини зиёрат қилдик. Регистонни бориб кўрдик. Таомларингиздан палов ва ка-

Икки курашчимизнинг олтин медаль билан тақдирлангани бежиз эмас, — деди суҳбатда Тожикистон Республикасининг кураш федерацияси раҳбари Носир Бозоров. — Элларимиз туташ, бир маконда яшаймиз. Халқларимиз дўст-биродар, урф-одатларимиз ўхшаш. Шундай экан, кураш усулларида ҳам монандлик бор. Бундан ташқари, қаттиқ тайёргарлик кўрганмиз. Биз дўстлик, маданий алоқаларимиз бундан-да ривожланиши тарафдоримиз. Меҳмондўстлик учун раҳмат!..

боб жуда ёқди. Ёшим йигирма учда, уч ёшимдан бошлаб дзюдо билан шуғулланаман. Юртимизда ўзбек курашига қизиқувчилар кўп.

— Асли шахрисабзликман, Ўзбекистон фуқаросиман, — суҳбатга қўшилади Шухратжон Мусурмонов. — Россия давлатига иш билан бориб, Москвада 2015 йилда ўзбек кураши федерациясини туздим. Ҳозир Россиянинг 60 дан ортиқ шаҳрида бўлимларимиз бор ва 1000 дан ортиқ спортчи миллий курашчилигимизни ўрганмоқда. Насиб этса, шу йилнинг октябрь ойида Россияда ўзбек кураши бўйича халқаро турнир ўтказмоқчимиз.

— Сезаяпсизми, курашимизга интилаётганлар тобора кўпайиб бормоқда, — дея суҳбатни давом эттиради Қаршидаги Олимпия захиралари коллежининг мураббийси, 1996 йилда кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлган Исоқжон Аҳмедов. — Яна қашқадарёлик спортчиларнинг чиқишларига ҳам кўпроқ эътибор беринг, зўр курашчилар камол топмоқда...

Исоқжоннинг сўзларидан кейин бевоқифа кураш гилами атрофида бўлишни истайман ва уйингоҳ ўртасидаги анча

баланд кўтарилган шохсупа узра ёзилган кураш гиламлари яқинидаги поёндозга ўтириб оламан. Кўз ўнгингизда шундай яқин жойда беллашаётганлар сизни мафтун этиб қўяди.

«Халол», «Ёнбош», «Чала», «Танбек» сўзлари тез-тез янграб турарди. Менга Давлат Абраевнинг кураши жуда ёқди. Зўр курашчилар кўп эди. Уларни кузатиб ўтириб, кураш сир-синоатлари, унинг ўзига хос илми ҳақида уйладим.

Зайниддин Восифий беш аср илгари

ўтган пахлавонлар ҳақида ёзган бўлса, нега ҳар 4 йилда ўтайдиган бу нуфузли халқаро кураш мусобақасига бағишланган китоб қилмаслик керак? Мусобақа пайтида ҳисобсиз суратлар олинаёпти, телекўрсатувлар тайёрланибди. Юртимиз ва хорижий элларнинг кураш мутахассислари синчковлик билан кузатиб боришяпти. Агар тахлилий китоб вужудга келса, ёш полвонлар учун аjoyиб қўланма бўлар эди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида моҳир спортчилар етишиб чиқаётгани яққол намоён бўлди. Шундай қилиб, 57 кг. вазнда курашганлар орасида ҳамюртимиз Гулнора Сулаймонова барчадан устун чиқди. Ундан кейин 78 кг. вазн бўйича курашган юрдошимиз Гулноза Матниёзова голиблик шохсупасига кўтарилди.

Эркалар ўртасида бахслар кескин, шиддатли, бир-бирига ўхшамас тарзда ўтди. Тожикистонлик полвон Бехруз Ҳожизода 73 кг. вазн бўйича олтин медални қўлга киритди. Эронлик спортчи Илбс Алиакбарий 81 кг. вазнда рақибларидан қўли баланд келди. Очиги, 90 кг. вазнда курашганлар баҳси кескин

ўтди. Тожикистонлик Комроншоҳ Устапирён ҳаммани доғда қолдирди.

— Икки курашчимизнинг олтин медаль билан тақдирлангани бежиз эмас, — деди суҳбатда Тожикистон Республикасининг кураш федерацияси раҳбари Носир Бозоров. — Элларимиз туташ, бир маконда яшаймиз. Халқларимиз дўст-биродар, урф-одатларимиз ўхшаш. Шундай экан, кураш усулларида ҳам монандлик бор. Бундан ташқари, қаттиқ тайёргарлик кўрганмиз. Биз дўстлик, маданий алоқаларимиз бундан-да ривожланиши тарафдоримиз. Меҳмондўстлик учун раҳмат!..

Рости, уйингоҳни тўлдириб ўтирган барчани мусобақанинг мутлақ голиби ким бўлиши қизиқтирар, мен ҳам шу ҳақда ўйлар эдим. Дастлаб, беллашувлар бошланганда ҳамюртимиз Шерали Жўраевга эътибор қаратдим. Ярим финалда укаси Илҳом Жўраев билан беллашиши керак эди. Илҳом кураш тушмай, голибликни акасига берди. Яна Эрон, Жанубий Корея давлатидан келган спортчиларнинг маҳорати ниҳоятда юксак эди. Беллашувлар ўртасида эронлик Жафар Пахлавоний билан суҳбатлашганим. Маълум бўлишича, Жафар 23 ёшда, 140 кг. тош босар экан.

Кўрам, ўз кучига ишонган спортчи экан. Мутлақ вазн тоифасидаги баҳсда у Ғузур туманида туғилган Шерали Жўраев билан беллашди. Шералининг вазни 100 кг. эди.

Энди тасаввур қилинг, бу катта вазндаги спортчиларнинг бадани машқлар натижасида филтанга айланган, пишиб кетган. Кўпдан-кўп усулларни эгаллашган. Шунинг учун кураш ниҳоятда шиддатли бўлди. Ғузурлик полвон кичик фарқ билан голиб, деб топилди. Кумуш ва бронза медаль олган спортчиларга ҳам тегишли соврин тантанали равишда топширилди.

Ҳар бир давлатнинг спортчиси тақдирланаётганда, ушбу давлатнинг мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро мусобақа мутлақ голибига аталган бош соврин — 10 минг АҚШ долларини ўзбекистонлик полвон Шерали Жўраевга Қашқадарё ҳокими Зафар Рўзиев топширди.

Бу галги халқаро турнирда нафақат Осиёнинг, балки Европанинг кўплаб давлатларидан полвонлар қатнашди. Шунинг учун давра ўзгача файзли бўлди. Кураш дўстлик ришталарини мустаҳкамлади, эзгулик, биродарлик меҳриғисини улашди. Ўзбек кураши узоқ-узоқларга, баланд-баландларга парвоз қилаверсин!

Юнус УЗОКОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



2010 йилдан бошлаб ҳар йили апрель ойининг учинчи шанбаси халқаро цирк кунли сифатида нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбек давлат циркида катта байрам тадбири ўтказилди.

ХАЛҚАРО ЦИРК КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Халқаро цирк кунига Бутунжаҳон цирк федерацияси томонидан асос солинган ҳамда Европа цирк ассоциацияси томонидан маъқулланган. Ўзбек давлат циркида ташкил этилган байрам тантанасида таниқли санъаткорлар, цирк усталари ўз маҳоратлари, мўъжизакор ҳаракатлари билан томошабинлар ҳайрат ва олқишларига сазовор бўлишди.

Акробатларнинг эпчиллиги ва ҳаяжонли чиқишлари, масхарабозларнинг қувноқ ҳазиллари, моҳир чавандозлар, дорбозлар, ҳайвон ўргатувчилар — барча-барчаси йиғилганларга, айниқса, болажонларга манзур бўлди. Татаристон ва Бошқирдистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Холдорова бошчилигидаги

этади, — дейди муассаса раҳбари Рустам Маждидов. — Циркнинг ўзига хос томони шундаки, санъаткор бадий ифода воситаси орқали руҳан ҳамда жисмонан баркамол инсоннинг умумлашган бадий образини яратди. Бугунги байрам тадбиридан барча томошабинлар, айниқса, болажонлар жуда хурсанд бўлишди.

— Байрам тадбири доирасида «Делюкс» ракс студияси мураббийлари Азиза Мўминова ҳамда Азиза Идрисовалар томонидан цирк манежиде флешмоб ташкил этилди, — дейди мазкур тадбирни ўтказишда режиссёрлик қилган директор ўринбосари Рустам Ҳаметов. — Ўзбек циркининг етакчи усталари ҳамда Россия цирк артисти-



«Лайсан» ҳамда Марьям Бухарова бошчилигидаги «Изге нур» ансамблларининг иштироки сифатида чиқишлари ҳаммани мафтун қилди.

— Цирк артистлари ҳақиқатан ҳам, ўз санъати орқали инсоннинг чексиз имкониётларини намойиш

лари ҳамкорлигида иштирокчилар учун маҳорат дарслари ўтказилди. Ўйламанки, халқаро цирк кунли байрами тадбирлари барча томошабинларимизга ёқди.

Ўз муҳбиримиз.



«Ўзбектелеком» АК Тошкент филиали

Тошкент вилояти ҳудудидаги ҳозирда ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган қуйидаги объектни ўрнатилган тартибда ижарага беради:

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Саксон ота» ҚФЙ, Саксон ота кўрғони — 42,32 кв.м.

Талабгорлар мазкур объектлар ҳолатини филиал вакиллари билан биргаликда уларнинг манзилига чиқиб кўришлари мумкин. Батафсил маълумотларни (+998971) 259-70-15, 259-70-19 телефон рақамлари орқали ҳамда Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган «Ўзбектелеком» АК Тошкент филиали бош офисидан олиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438. 11553 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 01:08.

Topshirilgan vaqti — 02:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6